



Йўлларимизда пиёдалар ҳаракати, одамларнинг ҳаловати, саломатлиги устувор бўлиши керак



Президент Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошди.

Бунинг натижасида, табиийки, инфратузилма тармоқларига юклама ҳам ортди. Шу боис, бу ерда қўшимча муҳандислик объектлари, тумани шаҳарнинг марказий қисми билан боғловчи йўл ва

кўприклар қурилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан қиймати 83 миллион доллар бўлган 7 километр узунликдаги Сергели ер усти метроси ва унинг

"Чоштепа", "Тошкент халқа йўли", "Сергели", "Афросиёб", "Қипчоқ", "Чинор" бекатлари барпо этилмоқда. Албатта, бу йўловчиларга катта қулайлик яратди. Лекин, шу билан бирга,

автотранспорт ҳаракатини ҳам инобатга олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. 29 май куни Сергели тумани фаоллари билан ўтган учрашувда ҳам транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чоралари муҳокама қилинди. Ушунда Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси ҳақида маълумот берилган эди. Президентимиз бугун ушбу лойиҳани жойига чиқиб, атрофлича ўрганди.

Умумий қиймати 280 миллиард сўмдан зиёд бўлган мазкур лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Туркиянинг "Kalyon" компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Унга кўра, Чупонота кўчаси ва Кичик халқа йўли кесилмасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилади. Бу чорраҳадан Тошкент халқа йўлигача янги кўча қурилиб, халқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ва Қипчоқ кўчасида қурилаётган янги кўприкка туташади.

Жами 5,6 километрлик бу йўл соатиға 3 минг транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл — Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланади. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, юклама катта. Айниқса, эрталаб ва кечга яқин бу кўча тирбанд бўлиб қолади. Ушбу янги йўл ва кўприклар қурилиши натижасида Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоизга, транспорт ҳаракати вақти 20-25 минутга камаяди.

— Одамларнинг ҳар кунлик режасига, кайфиятига, соғлиғига таъсир қиладиган энг катта омил — транспорт тақсимоти. Йўллар қуриб, тирбандликни камайтиришдан мақсад шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қулайлик яратишдир. Бу ишларни бугун қилмасак, йилдан йилга қийинлашиб бораверади. Бугун қилсак, келажақда ҳарajat камаяди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Тошкент шаҳрининг транспорт концепцияси тақдимоти ўтказилди.

Бу концепция геоинформацион тизим орқали шаҳардаги транспорт ва йўловчилар оқимини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан мақсад, аввало, хавфсизлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорликдир.

Масалан, йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш натижасида йилига 19 миллион долларлик ёқилги тежаллаши, 129 миллион долларлик тахминий зарарнинг олди олиниши ҳисоб-китоб қилинган. Ёки автобуслар сони ва йўналишларини оптималлаштириш орқали йилига 2,5 миллион доллар иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Концепцияда, шунингдек, автоматик тўлов тизимини ривожлантириш, автомобиль тўхташ жойлари ва пиёдалар ўтиш йўлақларини кўпайтириш каби қатор қулайликлар назарда тутилган.

Президентимиз пиёдалар ва велосипедлар ҳаракатига кўпроқ шароит яратиш зарурлигини қайд этди.

— Бизнинг йўлларда транспорт воситаларига кўп устуворлик берилган. Аслида пиёдалар ҳаракатини, одамларнинг ҳаловати, саломатлигини биринчи ўринга қўйиш керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Транспорт концепциясини Тошкент шаҳрининг битта туманида апробация қилиш, кейинчалик бутун пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларда жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Яккасарой туманида кўп қаватли савдо комплекси, меҳмонхона ва турар жой қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимотлардан сўнг Сергели туманини пойтахт маркази билан боғлайдиган ва транспорт ҳаракати учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўл ўтказгични кўздан кечирди. Мутасаддиларга транспорт оқимиға қўшимча қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎЗА

Муносабат

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ АНИҚ ВА АДОЛАТЛИ ЕТКАЗИЛАДИ



Раҳмат МАМАТОВ,

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири

Президентимиз раислигида 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида туман (шаҳар) сектор раҳбарларига қийналган ва муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларни камбағалликдан ҳалос этиш бўйича зарур чоралар қўриш, вилоят ҳокимларининг иқтисодиёт ва маҳалла масалалари бўйича ўринбосарлари шу ишга доир барча масалаларни мувофиқлаштириб, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга масъул экани таъкидланди.

Ягона ижтимоий реестр учун ҳам катта замин бўлиши кутилаётган мазкур тизимни йил охиригача вазирлик — вилоят — туман — маҳалла кесимида тўлиқ жорий этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берилди.

Камбағалликни аниқлаш ва камайтириш, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишларни намунали ташкил этиш мақсадида чегарадош ҳудудларга алоҳида ёндашиш, бунинг учун Бош вазир ўринбосарлари мазкур ҳудудлар раҳбарлари билан биргалликда аҳоли бандлигини ошириш ва яшаш шароитини яхшилаш,

инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш зарурлиги билдирилди.

Йиғилишда юртимизда ҳозирги вақтда боқувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этгани ҳолда, мазкур эҳтиёжманд қатлам вакилларига ажратилаётган ижтимоий ёрдамлар

тўлиқ етиб бормаётгани алоҳида алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Мазкур ҳолатни тўла бартараф этиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиғига қўшимча тарзда ажратилган 992 миллиард, шунингдек, "Саховат ва кўмак" жамғармасида мавжуд 70 миллиард сўм қолдиқ маблағни муҳтож оилаларга аниқ ва адолатли етказиш бўйича қатъий топшириқ берилди. Шу билан бирга, йил якунига қадар қўшимча 235 мингдан зиёд

оиллага моддий ёрдам ажратилиши қайд этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, зарур иш ўринлари яратиб бериш борасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бир қатор ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан 114 минг нафардан зиёд аҳоли бандлиги таъминланди. Жумладан, бу жараёнда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги борларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимизнинг бевосита кўмаги натижасида бугунги кунда оилавий аҳоли яхшиланиб бораётган мингга яқин оила камбағалликдан чиқарилди. Бундан ташқари, ўз-ўзини банд қилган 28 817 нафар фуқарога вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари расмийлаштирилди ҳамда уларнинг келгусида пенсия олиш ҳуқуқи таъминланди.

➤ Давоми 2-бетда

БУ ИШНИ ОРТГА СУРИБ БЎЛМАЙДИ



Шербек БЎРОНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Мамлакатимизда яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини белгилаш масаласи энг кўп муҳокама қилинаётган, тез-тез кун тартибига чиқаётган мавзулардан бирига айланиб бўлди. Бу бежиз эмас, албатта.

3 июнь куни Президентимиз раислигида камбағалликни қис-

қартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда жорий йил 1 октябргача

тириклик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқи асослари ишлаб

чиқилиши бўйича вазифа қўйилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, камбағалликни қисқартириш, бу борадаги ишларни сифатли ва самарали ташкил этиш бир қатор омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими камбағалликни белгиловчи мезонларни аниқлаштириб олишдир. Бундай мезон бўлмаса, аслида ким, нима учун камбағаллигини айтишининг ўзи хато бўлади.

➤ Давоми 2-бетда

Абитуриент — 2020

ТЕСТ СИНОВЛАРИДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТИЛМОҚДА?

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2020/2021 ўқув йили учун қабул жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият вазирликлари, Давлат тест маркази мутасадди ходимлари, пойтахтимиздаги нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари иштирок этди.



Коронавирус пандемияси туфайли бу йилги тест жараёни мутлақо бошқача тарзда, карантин тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилиши кутилмоқда. Шу боис, 2020/2021 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёни қандай ташкил этилади, деган савол барчани қизиқтириши табиий.

Пандемия сабаб битирувчилар ўқув йилини онлайн дарслар билан тугатди. Бу, ўз навбатида, уларнинг ўқув дастурларини ўзлаштиришига, етарли билим эгаллашига ўз таъсирини кўрсатди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан бу йил 30 апрель куни ўтказилган йиғилишда 2020/2021 ўқув йили учун қабул жараёнини ташкил этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга қатор топшириқлар берилган эди. Улар

ижросини сифатли таъминлаш мақсадида қабул жараёнини санитария талаблари даражасида ўтказиш ҳамда кириш имтиҳонларини соддалаштириш юзасидан тегишли ва аниқ вазифалар белгиланди.

COVID-19 пандемияси шароитида олий таълим муассасаларига қабул жараёнини янада уюшқоқлик билан, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказиш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу йил юртимиздаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини 643 мингдан ортиқ ўқувчи битирилади. Аввалиги йилги битирувчиларнинг 20 фоизи ўқишга кирган бўлса, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, жорий йилда уларнинг 25 фоиздан

ортигини олий таълимга қамаб олиш кўзда тутилган.

2020 йилда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун 1 миллион 270 минг нафардан зиёд абитуриентнинг ҳужжат топшириши кутилмоқда. Аввалиги йилда уларнинг сони 1 миллион 66 минг эди. Пандемия шароитида кутилаётган абитуриентлар контингентини инобатга олиб, қабул жараёнида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

АБИТУРИЕНТЛАР ОНЛАЙН РЎЙХАТДАН ЎТАДИ

Абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларида иштирок этиши учун онлайн рўйхатдан ўтиш имконияти яратилди.

➤ Давоми 2-бетда

Муносабат

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ АНИҚ ВА АДОЛАТЛИ ЕТКАЗИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллалардаги оғир шароитда яшовчи қирқ минг нафардан кўпроқ хотин-қиз доимий, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, томорқа ва бошқа йўналишлардаги тадбиркорлик ишларига жалб этилди. Бундай натижалар билан чекланмай, белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш зиммамизга катта масъулият юкламоқда. Шу маънода вазирлигимиз тизимда тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унда белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш йўлида бор имкониятларни сафарбар этмоқдамиз. Жумладан, хорижий мамлакатлардан махсус авиакатновлар орқали олиб келинган 50 мингга яқин фуқаромизни иш билан таъминлаш, уларнинг оилаларини ижтимоий етишмовчиликдан асраб қолиш бўйича ишларни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилади. Хусусан, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ҳамда АКТ соҳасидаги молиявий саводхонлигини ошириш бўйича махсус тарғибот-ташвиқот ойлари, кўргазма ва компаниялар ташкил этилади. Хотин-қизлар ўртасида “Энг илгор бизнес лойиҳа” танлови ташкил этилиб, тадбиркор аёлларнинг касбий маҳорати, молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, аёллар тадбиркорлиги билан боғлиқ илгор тажрибаларни оммалаштириш, грантлар бериш, кредит ажратиш ишларини йўлга қўйиш ниятидаммиз. Тошкент вилоятида 130 та маҳаллада кам таъминланган оилаларнинг хотин-қизларига

ҳудуддаги ўқув марказларида касбга бепул ўқитиш ва сертификатлар топшириш режалаштирилмоқда. Камбағалликни қисқартириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди. Унга мувофиқ, ишсизликни камайтириш ва камбағалликка барҳам бериш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш, бунда идоралараро ҳамкорликка алоҳида ургу бериш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш каби ишлар “маҳаллабай” ва манзилли тартибда олиб борилади.

Бундан ташқари, ижтимоий ёрдам ва бошқа хизматларни аҳолига етказишда оптималлаштирилган дастурлардан, яъни бир вақтнинг ўзида фуқаро ва вазирликнинг хабардорлигини таъминловчи тизимлардан фойдаланиш чоралари қўрилади. Мухтож оилалар билан ишларни ташкил этишда “темир дафтар” тизимига қатъий амал қилинади. Ҳар бир маҳалланинг иқтисодий имкониятларига тўғри баҳо бериш мезонлари ишлаб чиқилади.

Хуллас, ҳар бир чора-тадбирни амалга ошириш жараёнида ижтимоий-иқтисодий ёрдамни аниқ ва манзилли ташкил этиш, бугунги кунда яратиб берилаётган имкониятлардан халқимизни тўла баҳраманд этишга устувор аҳамият қаратилади.

Глобал пандемиянинг салбий оқибатларига қарши курашиш борасида қўрилаётган бундай муҳим чоралар жамиятимизда камбағаллик муаммосига ижобий ечим топиш ва халқимизни ижтимоий ҳимоялаш, оилаларнинг даромадини ошириш орқали жамиятимизда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

БУ ИШНИ ОРТГА СУРИБ БЎЛМАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз парламентга Мурожаатномасида аҳолининг 10-12 фоизи камбағалликда яшаётгани ҳақида айтган эди. Яшаш минимумининг ҳуқуқий асоси яратилса, бу борадаги статистик маълумотлар ҳам тизимлашади. Шунинг учун бу муҳим масала қайта-қайта кун тартибига қўйилмоқда.

Мутасадди идоралар вакиллари Ўзбекистонда тирикчилик учун зарур энг кам миқдорнинг қанча эканини айтиш ҳуқуқий саволлар туғилишига олиб келишини таъкидлаб, яшаш минимумини расман белгиланиши ҳозирча имкони йўқроқ, деган мазмунда фикр билдиришган эди.

Бу фикр Конституцияимизнинг 39-моддасида пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгиланган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилгани билан изоҳланган эди. Яъни, расмийларга кўра, яшаш минимуми расман белгиланганидан бўлса, пенсия ва ижтимоий ёрдам пулларини шундан кам бўлмаган миқдорда ошириш имконияти йўқ, бюджет бунга йўл бермайди. Боиси, ялпи ички маҳсулот даражаси ўсиши тез эмас.

Тўғри, яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини жорий этиш, бу борадаги муносабатларни тўлиқ, изчил тартибга солиш осон жараён эмас. Қийинчилик ва мураккабликлар бўлиши табиий. Лекин “осон эмас”, “ҳозир эмас”, деб қўйиладиган бўлса, муаммолар ҳал этилиши анча чўзилиб кетиши мумкин. Бу эса вазиятни борган сари қийинлаштиради.

Пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини таъминлаш, айниқса, долзарб вазифага айланди. Қонунчиликдаги айрим камчиликлар янада яққолроқ сезилди.

Шунинг учун қўйилган вазифани ижро этиш, яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини жорий қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш зарур. Бошқа масалалар жараёнда имкониятга қараб ҳал этилгани маънода мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман. Негаки, бу ишга жазм этмасдан камбағалликни қисқартириш дастурларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Камбағаллик камаймас, жойларда ижтимоий муаммолар кўпаяди. Бошқача айтганда, бу масалада узоқ кутиш имконияти қолмаган.

Абитуриент – 2020

ТЕСТ СИНОВЛАРИДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТИЛМОҚДА?

Бошланиши 1-бетда

Ёшлар уйдан чиқмаган ҳолда мобил телефони ёки компьютер орқали рўйхатдан ўтиши мумкин. Бу маънода уч хил имконият яратилади: йигит-қизлар, ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат тест марказининг веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиши мумкин. Республика олий таълим муассасаларига кириш учун абитуриентлар амалдаги мuddатда 15 июндан 15 июлгача онлайн рўйхатдан ўтказилади.

Ҳозир яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш маъносида давлат хизматлари агентлигининг 201 та туман ва овуллардаги марказларида санитария-гигиена талаблари қатъий риоя қилган ҳолда абитуриентлар учун қабул бўйича маслаҳат марказлари ташкил этилади.

Пандемия шароитида мактаб битирувчиларига қўлайлик яратиш маъносида 15 июнга қадар битирувчиларга аттестатнинг электрон шакли тақдим этилади. Зарур ҳолда, истисно тариқасида қалин қозғош шаклида ҳам берилиши мумкин. Бироқ одамлар тўпланиб, карантин қоидалари бузилиши туфайли бу тавсия этилмайди. — деди халқ таълими вазири Шерзод Шерматов. — Халқ таълими вазири ва Давлат тест маркази электрон базаси узаро улангани туфайли битирувчиларнинг аттестат нусхасини топширишига эҳтиёж йўқ. Фақат шахсини тасдиқловчи паспорт нусхасини топшириш етарли.

ИМТИҲОН ЖОЙЛАРИ АНИҚ

2020/2021 ўқув йили қабулида кириш тест синовлари ўтказиладиган 64 та бино танлаб олинди. Уларда ҳар бир абитуриент учун камида уч метрдан жой ажратилмоқда. Ушбу 64 та объектнинг рўйхати, қайси ҳудудда экани беш кун ичида Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб-сайтлари орқали оммага етказилади. Биноларни абитуриентларни камайтириш ҳисобига ижтимоий масофани сақлаб, бир кунда уч сменада (аввалги йилда икки сменада ташкил этилган) имтиҳон жараёни ўтказилади. Ҳар бир сменада 25 мингдан ортиқ, камида 75 минг нафардан зиёд абитуриентнинг тест синовларида иштирок этиши кутилмоқда.



САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИ — БИРЛАМЧИ

Тест синовлари ўтказиладиган биналарда санитария-гигиена талабларини бажариш меъёрлари бўйича таклифлар тайёрланмоқда. — Имтиҳонга келган абитуриентлар тўлиқ дезинфекцияланган, янги қўлқоп ва ниқоб билан таъминланади. Ижтимоий масофа сақланади. Тест ўтказиладиган бинага киришдан олдин пирометр орқали абитуриентларнинг ҳарорати ўлчанади. Уларни киритадиган ходимлар ҳам тегишли тартибда ишлайди. Етарли миқдорда дезинфекция ва санитария-гигиена воситалари захираси жамғарилади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, вазирлик ҳузуридаги санитария-эпидемиология осойишталик агентлиги директори Баҳодир Юсупалиев. — Тест топширилаётган хона камида ярим соат олдин шамоллатилиб, дезинфекция воситалари билан ишлов берилади. Ҳар бир сменадан кейин шу тартибга риоя қилинади. Сменалар ораси камида бир соат бўлиши керак. Тест топшириш жойида табиий пункт ташкил этилади. Тез тиббий ёрдам хизмати ва санитария-эпидемиология назорати ходимлари мунтазам навбатчилик қилади.

БУ ЙИЛ ТЕСТ ИККИТА ФАНДАН ОЛИНАДИ

Жорий ўқув йили қабулида тест синовлари белгиланганидек 5 та фандан эмас, бакалаврият таълим йўналишларида мос бўлган фақатгина иккита фандан ўтказилади. Тест топшириқларидаги мураккаблик даражаси юқори

бир фан бўйича ҳам роликлар намойиш этиб борилади. Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Давлат тест маркази томонидан биргаликда жорий йилдаги тестлар бўйича онлайн репетитор тизими яратилади. У орқали асосий 12 та фандан тестлар қандай топширилиши, уларга жавоб қандай белгиланиши ҳусусида маълумот берилади.

ОТА-ОНАЛАР ЖАРАЁНИ ОНЛАЙН КУЗАТАДИ

Пандемия шароитида жамоатчиликнинг бир жойда тўпланишининг олдини олиш маъносида барча биналардаги тест синовларини test2020.uz сайти орқали онлайн кузатиб бориш имконияти яратилади. Маълумки, абитуриент тест синовига кириб кетса, уни ота-онаси, яқин қариндошлари, опа-сингиллари, ака-укалари бино олдида йиғилиб кутади. Бу эса карантин қоидаларига мутлақо зид.

Яқин кунларда олий ўқув муассасалари бакалаврият таълим йўналишларининг тиллар кесимида қабул кўрсаткичлари ва тест топширилаётган фанлар мажмуалари Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда муайян олий таълим муассасаларининг веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

АЛОҲИДА ҚАБУЛ КВОТАЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига асосан, бу йил кам таъминланган, ногиронлиги бор оилаларнинг иқтидорли қизлари учун грант асосида алоҳида 800 квота ажратилади. Ушбу тартиб бўйича низом якуний босқичда. Бу бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлиmlлари изчил иш олиб боради. Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг Сўх тумани мактаб битирувчилари учун 500 та грант квота ажратилади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бехзод Мусаев онлайн иштирок этди.

Хайридинмурод АБУЛҲАЙДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди




Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига жорий йил **1 ОКТЯБРГАЧА** тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.




Жорий йилда sanoat соҳасида **7,5 МИНГТА** ҳудудий лойиҳани амалга ошириш ҳисобига **145 МИНГ** нафар камбағал аҳолини ишга жойлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, қиймати қарийб **11 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР** бўлган **206** та йирик ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириб, **31 МИНГ** дан зиёд юқори даромадли иш ўрни яратиш чоралари белгиланган. Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирига ушбу лойиҳаларни ўз вақтида бажариш бўйича топшириқлар берилди.




Қурилиш соҳасидаги имкониятлар қўриб чиқилар экан, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган **3,6 ТРИЛЛИОН СЎМ** ҳисобидан бажариладиган қурилиш-пудрат ишларига **85 МИНГ** нафар одамни жалб қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.




Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимда **300 МИНГ** аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, **265 МИНГ** нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга **36 МИЛЛИАРД СЎМ** субсидия ажратиш орқали **18 МИНГ** камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.




Қишлоқ хўжалигида ҳам камбағалликни қисқартириш бўйича имкониятлар кўп. Йиғилишда қайд этилганидек, биринчи ярим йилликда **38 МИНГ** гектар ерни оборотга киритиш ҳисобига **25 МИНГ** нафар, йил якунига қадар яна қўшимча **51 МИНГ** гектарни ўзлаштириш эвазига **45 МИНГ** одам бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бу ерларнинг **20 МИНГ** гектари кам таъминланган оилаларга берилади.




Бугунги кунда боқувчисини йўқотган оилалар сони **155 МИНГ**, **5** нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони **81 МИНГ**, ёлғиз яшовчи кексалар **16 МИНГ** нафарни ташкил этмоқда. Лекин ажратилаётган ижтимоий ёрдамлар эҳтиёжмандларга тўлиқ етиб бормаётган ҳолатлар ҳам кўп.



Пандемия оқибатларини юмшатиш маъносида “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастурига қўшимча **1 ТРИЛЛИОН СЎМ** маблағ ажратилди. Умуман айтганда эса, жорий йилда оилавий тадбиркорлик дастурларига **4 ТРИЛЛИОН СЎМ** маблағ йўналтирилмоқда.




Худди, шунингдек, ғалладан бўшайдиган **120 МИНГ** гектар майдонни такрорий экин учун ажратиш, **300 МИНГТА** яқин оиллага даромад манбаи яратиш белгиланган. Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерларининг **965 МИЛЛИОН** долларлик **107** лойиҳасини амалга ошириш натижасида **28 МИНГ**дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилади. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан кам таъминланган **28 МИНГ** хонадонга насли эчки, **50 МИНГТА** оиллага парранда, **100 МИНГТА**сига насли куён тарқатилади.



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қўшимча ажратилган **992 МИЛЛАРД СЎМ** маблағни ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармасидаги **70 МИЛЛАРД СЎМ** қолдиқни муҳтож оилаларга аниқ ва адолатли етказиш бўйича қатъий топшириқ берилди.



Хунармандчилик учун бугунги кунга қадар **190 МИЛЛАРД СЎМ** ажратилган. Аммо Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида бу маблағларнинг ўзлаштириш суръати танқид қилинди.



Пандемия даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорлар доирасида йил якунига қадар қўшимча **235 МИНГ**дан зиёд оиллага моддий ёрдам ажратилиши қайд этилди.

Иқтисодиёт

Раъно ХУСАИНОВА,

Тошкент давлат юридик университети докторанти, юридик фанлар номзоди

Шу йил 28 май куни Президентимиз томонидан иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўтказилган йўналишда бугунги кунда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорида 245 та корхонада монополнинг мавқеи сақланиб қолгани, бир қатор йўналишларда эса рақобат муҳити шаклланиб, 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхона монополистлар реестрдан чиқариш мумкинлиги қайд этилди.



МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС

эркин рақобат сари муҳим қадам

Корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувлар қайта кўриб чиқилиб, бу борада алоҳида "йўл харитаси" ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Мазкур "йўл харитасида" иккита асосий масала, яъни монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартириш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш вазифаси белгиланиши алоҳида қайд этилди.

Монополиянинг энг кўп учрайдиган тури табиий монополиядир. Одатда унинг мавжудлиги "рақобат ботдош фирмалар мавжудлиги битта фирманинг мавжудлигидан кўра, кам фойда келтирадиган вазиятлар билан изоҳланади. Табиий монополия тарихий турлича бўлса ҳам кейинги йилларда аксарият давлатларда унинг доираси қисқариб боришида ўхшашликлар кузатилади. Ўзбекистонда табиий монополия соҳалари халқаро амалиётга нисбатан бирмунча кенгроқ бўлиб, уларнинг шаклланиши ўтиш даврида иқтисодиётни қайта қуриш ва бошқариш бўйича юзага келган тузилмалар билан боғлиқ. Масалан, узоқ вақт давомида совет мафқураси таъсирида бўлган собиқ иттифоқ мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам энергия, иссиқлик ва газ билан таъминлаш давлатнинг мажбурияти сифатида белгиланиб, иқтисодиётнинг энергетика тармоғини ташкил этишда давлат устун мавқега эга бўлган.

Айни пайтда халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очилди ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгиллаш ҳамда иқтисодиётда рақобат муҳитини

шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Соғда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш заңжирларига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамохан бўлишимиз лозим. Инвестиция жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак".

Шу маънода, мамлакатимизда халқаро тажрибанинг энг яхши жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда давлат эътиборини ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2020 йилдан бошлаб, Энергетика вазирлиги томонидан Осий тараққиёт банки ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда рақобатдош электр энергияси бозори

моделни ишлаб чиқилди. У 2023 йилда жорий этилиши кутилмоқда. Бу том маънода янгиланаётган мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлида муҳим қадам ҳисобланади ва янги Ўзбекистон энергетикасини яратди. Соҳадаги ислохотларнинг, хусусан, электр сонаотини ташкил этишнинг бозор модели шаклланиши истеъмолчилар учун энергетика тармоғидан эркин танлов асосида фойдаланиш имкониятини юзга келтиради. Ушбу кўрсаткич эса электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотишдаги рақобат даражасини акс эттиради.

Фикримизча, соҳада бозор муносабатлари шакллантирилишининг дастлабки қафолати, аввало, энергетикада табиий монополияни қисқартириш ҳамда энергия ишлаб чиқаришда рақобат муҳитини яратилган иборат. Зеро, энергияни ишлаб

чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш йирик инвестициялар жалб қилишни талаб этади. Бу эса рақобат муҳитининг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ. Рақобатни таъминламай туриб, бозор муносабатларига ўтиш иложсиздир.

Хўш, монополияга қарши комплаенс қандай механизм?

Монополияга қарши комплаенс қонунчилик бузилишининг салбий оқибатларини юмшатгандан кўра, унинг олдини олиш осон бўлган умумий парадигмага асосланади. Яъни компания ўзи учун корпоратив ҳаракат қоидаларини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади. Агар қонунчилик бузилиши регулятор томонидан аниқланса, у ҳолда компания ушбу қонунбузарлик учун юқори санкциялар, суд ҳаражатлари ва ишбилармонлик обрўсига путур етиши каби йўқотишларга учрайди. Корхона мустақил равишда ҳуқуқбузарликнинг олдини оlish эки дастлабки босқичда аниқлаб, тўхтатолса, барча салбий оқибатлар юки сезиларли даражада камайдди. Аммо бунинг учун корхона хатарларни етарлича аниқлай олади-ган, бизнес жараёнлари ва ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилгандан самарали тизимни яратиш учун муайян ташкилий саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Демак, монополияга қарши комплаенс монополияга қарши қонун талабларига риоя қилиш ва унинг бузилиши билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда корхона фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида давлат органлари ва ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг монополияга қарши қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминловчи ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир.

Шу маънода, назаримизда, Ўзбекистонда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш фаолиятини табиий монополиядан чиқариш ҳамда бундай энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарда синов тартибда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш фурсати етиб келди. Монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилаётган ташкилотда монополия тўғрисидаги қонун талаблари бузилган тақдирда мутасадди шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш мазкур тизимнинг самарадорлигини оширади.

Электрон солиқ хизмати

45 ТА ХИЗМАТДАН ИСТАЛГАН ВАҚТДА БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

Фаррух НОРМУРОДОВ,
Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг веб-дастураш бўлими бошлиғи

my.soliq.uz портали ҳар қандай тоифадаги солиқ тўловчиларга ана шундай кенг имкониятни тақдим этиб келмоқда. Жумладан, ундаги 20 та интерактив, 25 та ахборот хизматидан фойдаланиш учун вақт ва манзил борасида ҳеч қандай чеклов йўқ. Шу сабабли мазкур портал солиқ мажбуриятларини бажаришнинг ишончли ва қўлай усули сифатида ҳақли эътироф этиб келинмоқда.

Порталда жисмоний ва юридик шахслар, яққа тартибдаги тадбиркорларнинг ҳар бири учун алоҳида "шахсий кабинет" очилган. Уларга тааллуқли хизматлар ҳам махсус бўлимларга жойлаштирилган.

Портал орқали солиқларни мустақил равишда ҳисоблаб чиқаришдан тортиб, ҳисобот ва солиқ декларациялари, мурожаатларни юбориш имкониятига ҳам бор. Ҳар қандай турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни он-лайн режимда тўлаш хизмати эса порталнинг асосий қўлайлиги ва афзаллиғидир.

Юридик шахслар солиқ тўловларини амалга ошираётганда тўлов топшириқномасининг рақами ва суммасидан бошқа барча маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси базасида автоматик тарзда шаклланади. Шундан сўнг солиқ тўловчи солиқ турини танлаши ва тўлов суммасини кўрсатиши керак. "Тўлаш" тугмаси жараёнга яқун ясайди.

Корхонанинг электрон тўлов топшириқномаси Давлат солиқ қўмитаси базасига келиб тушади ва ўша пайтнинг ўзида Марказий банкка етказилади. Тўлов топшириқномаси Марказий банк орқали тижорат банкларига юборилиши ва тўлов амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий карточкасига қайд этилади. Буларнинг барчаси тўғридан-тўғри, автоматик тарзда амалга ошади. Агар ҳисоб-рақамда пул миқдори етарли бўлмаса, тўлов топшириқномаси 2-корткегага жойлаштирилиб, бу ҳақда Давлат солиқ қўмитасига электрон хабарнома боради. Бу билан солиқ инспектори томонидан солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномалари қўйилишининг олди олинади.

Жисмоний шахслар ҳам портал ёрдамида даромад солиғи, ер ва мол-мулк солиқлари суммаларини аниқлаш ва тўлаши мумкин.

"ЖШнинг солиқлари бўйича маслаҳатчи" бўлими уларни солиқ соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга оид маълумотлар, янгиликлар билан таништириб боради.


Солиқ тўловчилар солиқ қарзи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномага эга бўлиши учун давлат солиқ хизмати органларига бориши шарт эмас, бу ҳужжатни айнан мана шу порталдан олиш мумкин.

Порталда 14 турдаги электрон маълумотнома мустақил равишда шакллантириб, чоп этиб оlish бўлади. Улар корхона ва ташкилотларга тақдим этилганда солиқ органларининг маълумотлар базасидан ҳақиқийлигини тўғридан-тўғри текшириб олиш имконияти мавжуд.

my.soliq.uzдаги барча интерактив хизматлар "SOLIQ" мобиль иловасида ҳам жамланган. Мобиль илова GooglePlay да жойлаштирилган. Уни юклаб олиш учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтидаги ҳаволадан фойдаланиш мумкин.

Сўнгги икки ой мобайнида портал фойдаланувчиларидан 52 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Юридик шахслар томонидан у орқали 1 миллион 781 325 та солиқ ҳисоботи электрон шаклда жўнатилди. Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан 500 мингдан ортиқ тўлов электрон шаклда амалга оширилди. Натижада мана шу қисқа вақт ичида тахминан 32 тонна қоғоз тежаб қолинди.

Албатта, бу кўрсаткич масаланинг фақат иқтисодий томони, холос. Унинг ижтимоий баҳоси бундан-да юқори ва муҳим. Чунки ҳар бир рақам ортида қанчадан-қанчадан солиқ тўловчининг тежалган вақт ва ҳаражатлари борлиги аниқ. Бизнингча, my.soliq.uzнинг нима учун муҳим портал эканига бундан ортиқ изоҳ ва ҳулоса шарт эмас.



Саноат

"ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ" ДА ЯНГИ ЛОЙИҲА: ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Оҳангаронцемент" акциядорлик жамиятида Россиянинг "Евроцемент груп" холдинг компанияси билан ҳамкорликда ҳозир энг кўп қўлланилаётган юқори маркали қуруқ цемент ишлаб чиқариш заводи барпо этиляпти. Лойиҳанинг умумий қиймати 160 миллион АҚШ долларига тенг.



— Заводга Германия ва Хитойнинг нуфузли корхоналарида тайёрланган энергияни тежайдиган замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди, — дейди "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти етакчи мутахассиси Евгений

Осипов. — Жиҳозлар аввалгиларига нисбатан табиий газ, электр энергиясини 60 фоиз тежаш ва маҳсулот ҳажмининг бир неча баравар кўпайтириш имконига эгаллиги билан фарқ қилади. Шунингдек, махсус филтърлар

ҳавонинг чанглиниши ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймайди.

Йилига 3 миллион тонна қуруқ цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги линия жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бу ерда 400 та янги иш ўрни ҳам яратилади. Лойиҳа доирасида Ўзбекистонда илк мартаба 500–1200 маркагача бўлган юқори сифатли қуруқ цемент ишлаб чиқарилади. Пировардида юртимизда мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг 30 фоизи, Тошкент вилоятида эса 100 фоизини таъминлаш имконияти туғилади. Урганишлар минтақанинг тоғли ҳудудларида 50 йиллик хомашё захираси мавжудлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, татбиқ этилаётган замонавий технологиялар маҳаллий хомашёдан сифатли ва катта ҳажмда маҳсулот олиш имконини беради. Энерготезовчи ускуналарни қўллаш билан маҳсулот таннархи арзон бўлишига эришилади. Лойиҳада кластер ташкил этган ҳолда бетондан қурилиш материаллари тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Бунинг натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда қурилиш объектларига етказиш, хомашё билан таъминлаш каби йўналишларда яна қўшимча иш ўринлари яратилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ВА СОҒАЙГАНЛАР БҮЙИЧА МАЪЛУМОТ



Мамлакатимизда даволашни кўрсаткичи 78 фоизни ташкил қилмоқда.

Худудлар номи	Касаллик аниқланганлар (Даволанган жойи бўйича)	Соғайганлар сони ва фоизи	Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	136	133 98%	
Андижон вилояти	178	175 98%	
Бухоро вилояти	461	442 96%	
Жиззах вилояти	3	3 100%	
Қашқадарё вилояти	6	6 100%	
Навоий вилояти	214	96 45%	
Наманган вилояти	260	251 97%	4
Самарқанд вилояти	364	314 86%	2
Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган.		
Сурхондарё вилояти	44	43 100%	1
Фарғона вилояти	158	157 100%	1
Хоразм вилояти	233	233 100%	
Тошкент шаҳри	1882	1234 66%	8

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни



Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар доктори

Фан-техника тараққиёти, демографик жараёнлар, истеъмол ҳажми ўсиши, глобал иқлим ўзгариши каби бир қатор омиллар туфайли тобора жиддий тус олиб бораётган экологик муаммолар бугун жаҳон ҳамжамиятини асосли равишда ташвишга солмоқда. Шу боис, кейинги йилларда уларни бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга дунё бўйича катта маблағлар йўналтирилиб, илмий-назарий ва амалий чоралар кўрилмоқда.



ТАБИАТНИ АСРАШ — КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ БУРЧ

Зеро, бу муаммолар инсоният ҳаётига жиддий хавф туғдираётган. Масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳар йили сайёрамызда камида 5,5 миллион киши бу дунёни тарк этади. Янчилиси шундаки, 2050 йилга бориб бу рақам янада ортиб кетиши тахмин қилинмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Онкологик касалликларни ўрганиш халқаро агентлиги (IARC) эълон қилган ҳисоботда ҳавонинг ифлосланиши саратон касаллигининг асосий сабабчиси экани айтилади. Мутахассислар фикрича, ҳавонинг ифлосланиши оқибатида юз берадиган ушбу касалликнинг 50 фоизига кўмир сабаб бўлади. Шу боис, кўрпак мутахассислар кўмирдан қўра, табиий газдан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш вақти келганини таъкидламоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги 50 йил мобайнида ҳаво ифлосланишининг олдини олиш борасида Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Японияда бир қатор юнтаклар қўлга киритилган. Мазкур юнтакларда ҳавони ифлослантirmayди-

ган ёқилга ва двигателлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди ва кўмир истеъмоли камайtirилган.

Жаҳон ёввойи табиат (WWF), Global Footprint Network жамғармалари ва Лондон зоологик жамияти мутахассислари ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 1970 йилдан буён ердаги ёввойи ҳайвон ва қўшларнинг 3,43 минг тури йўқолган, тирик сайёра индекси эса 52 фоиз камайган. Ёввойи ҳавода ва қуруқликда яшайдиган жониворлар тури 76 фоиз, ер устида яшайдиган ва сувда истиқомат қиладиганлар сони 39 фоиз қисқарган. Ҳар йили инсон фаолияти оқибатида 11 миллион гектар тропик ўрмон кесилиб, нобуд бўлади. Бу тикланаётган ўрмонларга нисбатан 10 баробар кўпдир. Ҳар кунги атмосферага 60 миллион тоннага яқин карбонат ангидрид чиқарилиб, ҳавонинг исшишига, дунё океанидаги сув сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бораётган. Мамлакатимиз

"Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги конвенцияга (1995 йил) қўшилиб, халқаро ҳамжамият олдида ўзининг миллий биологик ресурсларини муҳофаза қилиш учун жавобгарлигини эълон қилди. Ўзбекистоннинг 1997 йилдаги "Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдоси тўғрисида"ги конвенция (CITES) ва бошқа халқаро битимларни имзолаши биохилма-хилликни сақлашда катта қадам бўлди. Атроф-муҳитни экологик жиҳатдан соғломлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси (1998 йил) ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиздаги умуртқали ҳайвонларнинг ҳозирги фаунаси 105 хилдаги сут эмизувчи, 441 турдаги қўш, 60 турдаги судралиб юрувчи, 3 турдаги сувда ва қуруқликда яшайдиган жонивор ва 76 турдаги балик, умуртқасизлар фаунаси эса 15000 турдан ibорат. Ўзбекистон "Қизил китоби"га ноёб

ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги 324 турдаги ўсимлик ва замбуруғ, 184 турдаги ҳайвон киритилган ва улар доимий давлат муҳофазасига олинган.

Шунингдек, турғун органик ифлослантirmayчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини ратификация қилиш тартиби тўғрисидаги қонун имзоланган. Мазкур конвенция 2001 йил 22 майда Стокгольм шаҳрида қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда 182 та давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади. АҚШ, Италия каби етакчи давлатлар конвенцияни имзолаган бўлса-да, ратификация қилмаган.

Конвенцияни ратификация қилиш Ўзбекистонга турғун органик ифлослантirmayчи моддалар билан боғлиқ экологик ҳолатнинг яхшилашга, аҳоли, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилиши мумкин бўлган салбий



оқибатларни бартараф этишга ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи имтиёзлари бош тизимига қўшилиши ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш имконини яратди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашнинг таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Бу борада давлат сийосатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва

олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазибаларга эришишни таъминлаш ишлари авжда.

Ҳозир Ўзбекистон ҳукумати БМТ билан ҳамкорликда Орол денгизи ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли дуч келаётган муаммолар ҳақида хабардорликни ошириш ва "Траст" жамғармасига қўшимча молиявий ва техник ресурсларни жалб қилиш бўйича фаол ишларни олиб бормоқда.

Бундан ташқари, Президентимиз "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини имзолаган. Унда "яшил" иқтисодиётга ўтишининг асосий вазибалари сифатида Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини

қўриш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш белгиланди. Шунингдек, ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш, "яшил" иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларга катта эътибор берилган.

2020 йил 6 март куни давлатимиз раҳбари томонидан атроф-муҳитни асраш ва чиқиндиларни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019-2028 йилларда мамлакатимизда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ижроси танқид қилинди. Жумладан, атроф-муҳитга салбий таъсирлар сақланиб қолмаётгани, атмосферага катта миқдорда ифлослантirmayчи моддалар чиқарилаётгани, фауна ва

флорага хавф ортиб бораётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Айтиш лозимки, кўп ўринларда ақлимиз ва қалбимиз билан эмас, моддий манфаатларимиз ҳамда нафсимиз билангина ҳисоблашамиз. Бироқ ҳар қандай муносабатнинг ўз жавоби бор. Она табиатимизнинг мусофқолигини асраб қолиш учун фақатгина Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг масъул ходимлари эмас, балки ҳар биримиз жон кўйдиришимиз, атрофимиздаги муаммоларга эътиборсиз бўлмаслигимиз, конституцион бурчимизни ўз вақтида бажаришимиз ўта муҳимдир. Ана шундангина ташвишли экологик муаммо ва таҳдидларни бартараф этишимиз осонроқ бўлади. Бошқача айтганда, юртимизнинг ҳар бир фуқароси она табиатимизни кўз қорачиғидек асраши, унинг экологик ҳолатини янада яхшилашга масъуллигини доимо ҳис қилиб туриши ҳамда келгуси авлодга мусофқо муҳитни етказишда куч ва гайратини аямаслиги лозим.



Finance for Change
A Project of Global Footprint Network

Халқаро меъёр

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ



Фароҳиддин ДАДАХОНОВ,
"Ўзбекозиқовқатхолдинг"
компанияси бошқарма бошлиғи

Ҳар бир харидор маҳсулот сотиб оларкан, аввало, унинг сифати ваҳаёт учун хавфсиз эканигаалоҳида эътибор беради. Ишлаб чиқарилган санаси ҳамда таркиби билан қизиқади.

Англаганингиздек, маҳсулот сотувининг самарали йўлга қўйилишида сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларининг аҳамияти катта. Айниқса, экспортёрлар учун бу жуда муҳим масалалардан бири. Бу борада уларга хавф таҳлили ва назорат танқидий нукта — ХТНТН тизими ёрдамга келади. ХТНТН тизими(инглизча HACCP — Hazard Analysis and Critical Control Points) АҚШ миллий аэрокосмик агентлиги (NASA) тақлифига асосан, "Пилсбурн" компанияси томонидан ишлаб чиқилган хавфсизлик тизими бўлиб, илк бор америкалик астронавтлар учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлланилган. 1980 йилга келиб эса уни АҚШ Фанлар академияси озиқ-овқат санаетида сифат менежменти тизимларини ривожлантириш учун тасвир қилган.

ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ НИМА?

ТЖХНН (Технологик жараёнларни хавфсизлик назорат нукталари) махсус дастур бўлиб, ҳар бир корхонанинг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Унга ишлаб чиқариш объектларидаги ходимлар, жиҳозлар ва маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар жойланади. Айтиш кераки, бу тизимдан фойдаланиш ихтиёрий. Корхоналар ИСО 22000 халқаро (озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик тизими) стандартини жорий қилиши мумкин. Ҳар йили бу маълумотлар янгиланиши, янгидан

сертификат олинishi лозим. Тизимнинг вазифаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб беришнинг барча жараёнларида хатарли назорат нукталарига эътибор қаратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ барча мавжуд хатарлар турлари ҳамда мақсадли назорат йўналиш чораларини қўллаш натижасида йўқотишларнинг олдини олишдан ibорат.

ТИЗИМ ҚАНДАЙ МАНФААТ КЕЛТИРАДИ?

Бугунги кунда аксарият санает корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини халқаро талаб даражасига кўтариш, рақобатбардошлигини ошириш ҳамда сифатини бошқариш учун ИСО 9001 ва ИСО 22 000 халқаро стандартлари жорий қилиняпти.

Агар мазкур тизим республикамиздаги барча озиқ-овқат санает корхоналарида жорий қилинса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хавфсизлиги таъминланиб, сифат жиҳатидан ҳам рақобатбардошлиги ортади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиш жараёнлари занжирини ортқича йўқотишлар камаяди, самарадорлик ошади, меҳнат ресурсларини озиқ-овқатдан касалланиши ҳамда иш вақтини йўқотишига барҳам беради. Натижада эса давлат манфаат кўради.

Тизимнинг ишлаб чиқариш жараёнларини микробиологик, биологик, жисмоний, кимёвий ва бошқа ифлосланиш хавфидан ҳимоя қилиш вазифаси ҳам бор. Бу орқали озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи субъектлар ўз маҳсулотларини бозорга чиқариш даврида уларнинг истеъмол бўйича хавфсизлиги ва савдо белгиси (бренди) ҳимоясини таъминлайди.

Корхоналарда асосий ишни энг сўнгги моделдаги асбоб-ускуналар бажарса-да, инсон кўл меҳнати ҳам зарур бўлади. Айтиллик, иш жараёнида яроқсиз масалликларни саралаш, тайёр маҳсулотни қадоқлаш, уни махсус идишларга жойлаштириш каби босқичларда ишчилар фаол қатнашади. Ана шу жараёнда мазкур тизимнинг аҳамияти ортади. Корхона марказий дастурига ўрнатилган хавфсизлик тизими санитария-эпидемиология меъёрларига риоя этилишини ҳам назорат қиладди.

Бундан ташқари, ISO 22 000 "Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик менежмент талаблари" халқаро стандарти асосида ТЖХНН (Технологик жараёнларни хавфсизлик назорат нукталари) принципида тузилган менежмент тизими корхоналарга нафақат Европа Иттифоқи талабларига мос, балки ЕИ ва ЕОИИ озиқ-овқат бозорида кучли рақобатга чидаш қобилиятига эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини ҳам беради.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

ТЖХНН (Технологик жараёнларни хавфсизлик назорат нукталари) тизимининг кадр-қиммати озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барча босқичида даврий назорат ёрдамида хатарлар олдини олиш ва олдидан қўра билиш билан ўлчанади. Қолаверса, бу истеъмолчилар учун муҳим масала ҳисобланган хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишини кафолатлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ТЖХНН (Технологик жараёнларни хавфсизлик назорат нукталари)ни қўллаш меъёрий ва қонунчилик талабларини бажаришни таъминлайдиган аъло даражадаги аргументдир. У барча озиқ-овқат тизимини қишлоқ ҳўжалигининг биринчи ишлаб чиқариши (ўсимликшунослик ва чорвачилиқдан бошлаб, улгуржичакана савдога бориб туташади, озиқ-овқат маҳсулотлари қақрайдиган касалликлар тўғрисида энг афзал ва оптимал оғохлантириш воситаси ҳам ҳисобланади.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби бу тизимнинг ҳам ўзига хос ишлаш тамойиллари бор. Хусусан, хавфни (хавфли омиллар) зийраклик билан таҳлил қилиш, кучли назорат қилинадиган нукталарни аниқлаш, уларнинг хавфли чегара доирасини белгилаш каби жиҳатлар тизимнинг беҳато ва бенуқсон ишлашини таъминлайди.

ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАР

ТЖХНН (Технологик жараёнларни хавфсизлик назорат нукталари)ни жорий қилишдан келадиган фойда бешта асосий омилнинг бажарилишига қараб аниқланади. Жумладан, мусофқолиқни ошириш, яроқсиз маҳсулотнинг миқдори ҳамда сармоя сарфини камайтириш, айланма ва бозор улушини кўтариш ҳамда самарадорликни оширишдаги кўрсаткичларда тизимнинг фойдали жиҳатлари яққол кўзга ташланади.

Бутун дунёда ҳўк сураётган пандемия одамзодни гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда яшашга ўргатмоқда. Бундай вазиятда мазкур тизимнинг аҳамияти янада ортади. Пандемия давомида ва ундан кейинги даврда ҳам ҳар қандай маҳсулот жиддий текширув ва хавфсизлик стандартлари асосида истеъмолчига етиб бориши талаб этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир корхона мазкур хавфсизлик тизимини ўзи ишлаб чиқиш, фаолиятига жорий қилса, истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига бўлган ишончи янада ортади. Қолаверса, жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб олади.

Қулайлик



"Ақлли" газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатилмоқда

А.РУСТАМОВ,
Бухоро вилояти

Ҳозир коммунал тизимда ҳам ҳар бир истеъмолчи учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга имкониятлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, аҳоли хонадонларини табиий газ ва сувоитрилган газ билан мунтазам таъминлаш энг муҳим ҳамда масъулият талаб этадиган вазифалардан бири. Бугун соҳа ходимлари томонидан жойларда табиий газ таъминотини бошқаришнинг автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими жорий этилиб, хонадонларда "ақлли" газ ҳисоблагич ускуналар ўрнатилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 9 июлдаги "Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2022 йилга қадар табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этиш белгиланган.

"Худудгазтаъминоти" АЖ жорий йилнинг апрель ойидан жойларда мазкур тизимни йўлга қўйиш ишларини бошлади.

— Ушбу тизим табиий газни

тўлиқ, аниқ ва ишончли ҳисобга олишни таъминлаш, шунингдек, газ таъминотидаги йўқотишларни қисқартириш, "зангори олов"дан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳақида таъминотчини мунтазам равишда оғохлантириб боришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Худудгаз Бухоро" МЧЖ бўлим бошлиғи Нурали Бақоев. — Ҳисоблагичлар истеъмолчиларга сим карта ўрнатилган ҳолда фойдаланишга топширилади, бу билан эса энергия сарфи юқори аниқликда ҳисобланиб, маълумотлар реал вақт режимида марказга юборилади. Тизим тўлов, хизмат кўрсатиш, маълумотномалар тақдим этиш каби масалаларда шу вақтгача мавжуд бўлган ортқича оворгарчиликлар билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олади.

Бухоро вилояти бўйича жами 262 033 дона ақлли ҳисоблагич ўрнатилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар уларнинг 720 донаси белгиланган тартибда берилди.

"Ақлли" газ ҳисоблагичларни ўрнатиш билан боғлиқ барча ишлар 2021 йил охирига қадар якунланиши белгиланган.

Мозий — ҳақиқатнинг тарозиси

“Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихни даврма-давр ўрганиш, музейни ашёвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак”.

(Тошкент музейига ташриф чоғидаги зиёлилар билан учрашув, 2020 йил 20 май)

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДА



Дилмурод НОРМУРОВОV, Ўз ФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тангриотнинг ғарбий тизмаларидан Сирдарёнинг ўрта оқими ўнг соҳилгача бўлган каттагина ҳудуддан иборат Тошкент воҳасининг ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрни бор. Воҳанинг қулай жойлашуви, иқлим шароити, сервис дарёлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, маъданлари, ҳарбий ва савдо йўлларининг кесимидалиги азалдан кишилар эътиборини ўзига торттиб келган. Шу йўсинда узоқ йиллар давомида бу ерда ўзига хос бой маданият яратилган. Минтақада аниқланган 855 та археология ёдгорлиги бунинг тасдиғидир.



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Воҳанинг илк одамлари ҳақидаги маълумотлар бундан 2,6 миллион йил олдин бошланиб, 12 минг йил бурун тугаган қадимги тош (палеолит) даврига тақалади. Демак, уни улаштириш жараёнининг боши ҳам мазкур босқич билан боғлиқ. Кўлбулоқ, Қизилполмасой, Палтоу, Обираҳмат, Оқтош, Бўзсув, Хўжакеңт, Ғиштой, Жарсой каби қадимги маконлар фикримизга далил бўла олади. Улардан Кўлбулоқ 700 минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу шунча йиллар олдин Тошкент воҳасида одамлар яшаганини кўрсатади.

Уч-тўрт минг йиллар бурун ҳудуднинг серут яйловларида чорва моллари уричта бошланган, илк деҳқончиликка асос солиниб, уй хунармандчилиги ривожлангани маълум. Тоғлар, айниқса, Қурама тоғининг хилма-хил ва бой маъданлари уша давр аҳлини ўзига жалб қилган ва шу тариқа конлар улаштирила бошланганини таъкидлаб ўтиш керак.

3300 йил буруни қишлоқлардаги уй-жойлар одадта киши — асосий бўлаги бир хонали бўлган тўрт бурчак, тухумсимон, кам ҳолларда айлана шаклида ярим ертўла ва ёзи — чайла туридаги енгил синчи қилиб қурилган. Деҳқончиликда дастлаб содда сурғиш усулидан фойдаланиб, асосан, бошоқ-ли дон экинлари экилган. Воҳанинг кенг даштлари, қир-адирлари, тоғ ва тоғолди ҳудудидagi яйловларда кичик ва йирик тўққай ҳайвонлар, кўпроқ қўй, эчки, қорамол, от каби уй ҳайвонлари боқилган. Хунармандчиликда ҳам катта ўзгаришлар юз бергани, кулолчи, темирчилик, тўқимачилик ҳамда тош ва сумақ ишлов бериш муҳим ўрин тутганини ургулаш лозим.

Ёзма манбалар ва археология ашёлари таҳлилига кўра, милоддан олдинги VI-IV асрларда Туркистонга юриш қилган эронлик Күруш II ва Дорйуш I ҳам, македониялик Искандар ҳам Тошкент воҳасига бостириб киришга журъат етолмаганлар. Чунки ўта ботирлиги билан ном қозонган қадимги тошкентликлар ўқ-ёй билан жанг қилишда дунёдаги энг моҳир мерганлар саналиб, ўқни беҳуда отмаганлар. Улар Искандарга қарши жанг қилиб, катта талафотлар кўрган Спитамени қўллаб-қувватлаганлар.

Тошкент воҳасида милоддан олдинги IV асрнинг охири — III аср бошларида 6,7 гектар (240м x 280м.) майдонни ички дахлиз ва ташқи буржлардан иборат, муस्ताҳкам пойдеворли мудоффа девори билан ўраб олинган Қанқа шаҳри шаклланди. Харобалари Оққўрғон тумани ҳудудида сақланиб қолган маъмур шаҳар ўз даврида арк ва шаҳристонга бўлиниб, уларнинг ҳар бири алоҳида девор ҳамда хандақлар билан ўралган, шаҳарга эса жануби-ғарбдаги дарвозадан кирилган.

Милоддан олдинги II асрдан бошлаб Тошкент воҳасида шаҳар ва қишлоқларнинг сони жadal ўсганини қўздан ортқи археология объекти тасдиқлайди. Эътиборлиси, улардан ўн учтаси шаҳар ва унга тенглаштирилган марказлар саналади.

Бу даврда эътиқодий ўзгаришлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Шоштепадан милоддан олдинги III-II асрларга оид хом ғишт ва пахсадан қурилган ибодатхона топилади. Кейинчалик ибодатхона диний-хотира мажмуа марказига айланган. Сопол идишлардаги жонзотлар қиёфаси ва тамга, белги, чизмалар

аҳолининг мафқуравий тасаввурлари ҳақида муайян даражада маълумотлар беради. IV-V асрларда воҳада санъат ҳам ривожланди. Бунни Қанқа шаҳрида шу даврга тегишли уд чапайган аёл ва эркак чавандоз тасвирланган митти ҳайкачаларнинг топилиши тасдиқлайди.

Сўз кетаётган даврда Тошкент воҳаси Чоч деб юритилган. Чоч улқаси III асрга оид “Қаъбайи Зардушт” биткиларида “Кўхи Чоч” (Чоч тоғлари) шаклида қайд этилган. Ҳозирги Туркистон шаҳридаги Қултепа ёдгорлигидан топиладган, III-IV асрларга оид ғишт сиртида сўғдий ёзуви “Чачан наф” (“Чоч халқи”), “Чоч жамияти” атамалари учрайди. Шунингдек, Қанқа шаҳри харобасидан турк-руний ёзуви “чоч” (саб) атамаси битилган сопол идиш ҳам топилади. Қадимги Хитой солномаларида Чоч тоғларидаги конлардан казиб олинган қимматбаҳо феруза тоши Чоч — Тош номланганига асос бўлганини ҳам эслатиб ўтган бўлардиқ. Шунингдек, хитойлик сайёҳ ва роҳиб Сюань Цзан (тахминан 600-664 йиллар) хотираларида ҳам Чоч мулки тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Чоч воҳасининг аҳамияти VI-VIII асрларда давлатимизни бошқарган ашиналийлар даврида ҳам юқори даражада бўлгани, минтақанинг йирик марказларидан бири макомини йўқотмаган. Шу сабабли ҳам Чочда шаҳарчилик жараёни жадаллашган ва воҳанинг халқаро савдодаги аҳамияти ортган. Натижада шаҳарлар кенгайиб, Мингүрик Чочнинг, Оҳангарон туманининг Обиз қишлоғи ўрнида бўлган Тункат Тошкент воҳасининг жанубий қисми — Илоқнинг маъмурий марказига айланган. Айни пайтда Қанқа ўлканинг сиёсий, иқтисодий, маданий маркази бўлиб қолаверган.

Улқанинг VI-VIII асрларга оид шаҳарлари арк ва шаҳристонга бўлинган. Воҳада шу каби 32 та ёдгорлик аниқланган. Арк алоҳида девор ва хандақлар билан ўраб олинган. Шаҳристонлар ташқарисидида ишлаб чиқариш ва савдо мажмуалари — рабодлар шакллана бошлаган. Қишлоқларда девор билан ўраб олинган қўрғон, қуш-қарлардан иборат бошқарув биноси, хўжалик иншоотлари ва ибодатхоналар ўрин олган. Бундан ташқари, қишлоқларда турар жой ва устаконалар жойлашган.

Ашиналийлар даврида Чочда зарб қилинган тангаларда хоқон, жабғу (ябғу), тегин, тудун унволлари, ёнма-ён

турган ҳукмдор ва хотун (малика) қиёфалари акс эттирилган. Шунингдек, маҳаллий тангалар ҳам бостирилиб, улардан минтақа бўйлаб олиб борилган савдода фойдаланилган. Чоч тангаларига сўғдий битик, ҳукмдор ва малика, арслон, барс (қоллон), туй, от каби ҳайвонлар тасвирлари туширилган.

Хунармандчилик Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларидаги феруза, олтин, кумуш, мис, темир конлари ҳисобига ривожланган. VI-VIII асрларда металлургияга ихтисослашган янги қишлоқ ва шаҳарлар (Шоҳжувортепа, Тункат, Кўло-та, Суийртепа каби шаҳарлар, Қўрел, Тобшўлоқ қишлоқлари) пайдо бўлган.

Илк ўрта асрларда воҳада деҳқончилик, айниқса, узумчилик ва боғдорчилик ривожланган. Узумдан чоғир тайёрланган. Манбаларга кўра, VII асрдан Хитойда Ши (Тошкент) давлатидан ўзлаштирилган узум чоғирини тайёрлаш услуби қўллана бошланган.

Араблар босқинига қарши курашда Чоч фаол бўлиб, унинг қўшинлари 712 йили ғийи томонидан қамал қилинган Самарқанд шаҳри мудофасида қатнашган. 713-714 йилларда Чоч сиёсий қулчлари Сўғд, Фарғона ва турк хоқонлари билан бирга арабларга қарши иттифоққа қўшилиди. 723-724 йилларда улар Сирдарё бўйларида арабларга қаттиқ зарба берганлар. Кейинчалик воҳа араб халифалигига бўйсундирилса-да, ақим Муқанна бошчилигидаги “оқ кийимлилар ҳаракати”да Чоч кўзгоналанинч ўчоқларидан бирига айланганини ҳам биламиз. “Худуд ал-олам”да қайд қилинишича, Чоч аҳолисининг бир қисми оқ кийимлиларга хайрихоҳ, жанговар ва қатъиятли бўлган. Шунингдек, чочликлар 806-810 йилларда Турон ва Хуросонда Рафи ибн Лайс бошчилигида халифаликка қарши кўзгоналонда ҳам қатнашганлар.

Умуман олганда, араблар босқинига қарши курашган чочлик қўшинлар ҳақида араб манбаларида қўллаб маълумотлар учрайди. Араблар босқини оқибатида воҳа шаҳар ва қишлоқлари таназзулга учрайди. Жумладан, Шоштепа, Мингүрик, Юнусобод Оқтепаси улар томонидан ёқилиб, вайронага айлантирилади. Худ-ди шу туфайли Юнусобод Оқтепасида ҳаёт тўхтаган. Умуман, араблар босқинчи Чочнинг ҳалокатли даври бўлган.

Арабларга қарамлик барҳам топгандан кейинги асрларда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Чоч воҳаси ҳам юксалган. Унинг тараққиётига сомонийлар, қорахонийлар ва ануш-тегинийларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий юксалиши ўз ижобий таъсирини кўрсатган. Ўзбек давлатини сомонийлар бошқарган босқинда Чоч шарқдаги чегара ҳудуди ҳисобланган. У кўчманчилар учун тўсиқ вазифасини ўтагани ҳақида “Чоч — Мо-вароуннаҳрдаги чегара қўрғони, унга қадар душман қўшинлари етиб кела олади” деган тарихий гувоҳликлардан ҳам билиб олиш мумкин.

IX-X асрларга оид араб ва форс ёзма асарларида қайд этилган Чоч ва Илоқдаги 45 та шаҳардан эндиликда 34 тасининг ўрни аниқланган. Бу давр шаҳарлари маъмурий бошқарув маркази сифатида арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. Шаҳарлар сони кўпайиб,

уларнинг тузилиши ҳам ўзгарган. IX аср-XIII аср бошларида воҳада илк ўрта асрлардаги қишлоқлар ўрнида янги пайдо бўлган 100 дан ортқи қишлоқ бор эди. Археология топилишлари ва ёзма манбаларга кўра, бу даврда воҳа деярли ўзлаштириб бўлинган эди. Шаҳар ва қишлоқлар, асосан, хунармандчилик, сўғорма деҳқончилик ҳамда савдо-сотик ҳисобига ривожланган. Воҳа маъданларининг маҳсулотлари Кавказорти, Шарқий ва Ғарбий Европа-гача етиб борган.

IX-X асрлар меъморчилигида пахса ва хом ғишт қўлланган бўлса, XI асрдан пишган ғиштдан фойдаланила бошланган. Шаҳар мудоффа деворлари маҳобатли бўлмаган. Қишлоқларда эса му-доффа деворлари умуман қурилмаган.

IX-XII асрларда металдан камон ўқининг учи, пичоқ, ўроқ, омон, болта, кап-гир, чўмич, қошиқ, санчки, қайчи, тақа, мих қабилар ясалган. Илоқ ферузаси юксак қадрланиб, у махсус устакона-ларда қайта ишланган.

Сопол идишлар кулоллик дастоҳла-рида тайёрланган. Улар сирланган ва сирланмаган бўлиб, дастлаб сиртига кўкиш-яшил тусли доғлар берилган. Кейинчалик рангсиз, сўнгра идишлар юзи-га қизил, қора, қизғиш-жиғарранг ҳамда тўқ қулранг тус ҳам берилган. Идиш-ларга ўсимлик ва ҳайвон қўринишлари, ҳандасалли ва ёзуви шакллари, одам ва ҳайвон қиёфалари туширилган. Сирли идишларнинг девори юпка ва нафис ишланиб, яхши пиширилган. Бу каби кулоллик маҳсулотлари Шарқ бозорла-рида ўта юксак қадрланган.

Сўз кетаётган даврда шиадан хў-жалик, тиббиёт ва атторлик идишлари ишлаб чиқарилиб, улардан кенг фой-даланилганини ҳам алоҳида ургулаган бўлардиқ.

Бу босқинда воҳада тўқувчи, чармчи, қосиб, ғиламчи ва наमत босувчилар кийим-кечак, чодир, ғилам, наमत, кигиз, оёқ кийим, камар, соқдон, меш, от аб-заллари каби маҳсулотларни ишлаб чи-қарганлар. Воҳа хунармандлари суюқ, шох ва чингаондан хўжалик буюмлари ва тақинчоқлар, ноёб тошлардан зар-гарлик буюмларини тайёрлаган.

Хуллас, IX-XII асрларда Тошкент воҳасида майдонни кенг, бог-роғлар орасидаги маҳалларда маҳобатли сарой, маъмурий идора, масжид, мад-раса, мақбара қабилар қад ростлаган. Шунингдек, кенг кўлмадаги савдо-со-тик туфайли Евроосиёнинг узок мин-тақалари билан Чоч улқасининг иқти-соди ва маданияти узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини кузатишимиз мумкин. Афсуски, бундай эркин тараққиётга XIII аср биринчи чорагида Чингизхон бош-чилигидаги қўшинлар барҳам беради.

Умуман айтганда, Тошкент воҳаси қадимий ва жуда бой тарихга эга. Унинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ёрита-диган ёзма манбаларнинг етарли бўл-маганлиги сабабли бу даврлар тарихи-ни ёритишда археология ашёларининг салмоғи катта. Айнан археология ёд-горликларидида олиб борилган изланиш-лар натижасида воҳанинг кекса ўтмиши тикланган. Аммо тарихи тўлиқ ўрганил-маган. Бу фикрни Тошкент воҳасининг сир-синоатга тўла ўтмишини очиб бе-ришга хизмат қиладиган маданий мерос объектиларининг беш фоизи ҳам тўлиқ ўрганилмаганининг ўзи тасдиқлайди.

Шу ўринда Тошкент воҳасининг қад-имдан XIII асргача бўлган даврини ўр-ганишида ўз ечимини кутаётган муаммо-ларга диққатни қаратган бўлардиқ.

Биринчидан, воҳадаги археология ёдгорликларини сақлаб қолиш, уларни қайтадан рўйхатга олиш ва замонавий харитага тизиб лозим. Чунки ўтган йил-ларда бир қанча ёдгорликлар бузилиб кетган ёки рўйхатга олинмаган. Бун-и 2014-2019 йилларда 47 та янги ёдгор-лик топилиши исботламоқда.

Иккинчидан, олий ўқув юртларида та-йёрланаётган археолог мухтаассислар-нинг савиясини кўтариш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак: улар археология қазииш ишларини олиб бориш ва топиламанлар асосида тарихни тиклашни билмайдил-лар. Негаки, талабалар кезлариди дала тадқиқотларига деярли қимганлар.

Учинчидан, ёдгорликларга миллий ва халқаро даражадаги археология са-фарларини узлуксиз уюштириш лозим. Тўртинчидан, воҳага хос бўлган тарихий-маданий тараққиёт давр ва босқинларини энг замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда лабо-ратория таҳлилларидан ўтказиш керак.

Бешинчидан, топилишлари музей-ларга топшириб, кўргазмалар ташкил қилиш ва жамғармаларни бойитиш ҳам муҳимдир.

Олтинчидан, пойтахт, умуман, воҳа-даги археология ёдгорликлари маҳал-лий ва чет эллик сайёҳларнинг оёқлари узилмайдиган жозибадор марказларга айланшига муносибдир, қолаверса, бундай ёндашув давр талабидир.

Булари ҳал қилиш орқали Тош-кентнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихидаги мунозарали масалалар ўз ечимини топади. Шунингдек, воҳа тари-хи бўйича аниқланган янгиликлар ўзбек давлатчилиги тарихини бойитиб, ёш-ларни миллатсеварлик ва юртпарвар-лик руҳида тарбиялашга амалий ёрдам беради.

Болалар ҳуқуқи

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕШИКДАН БОШЛАНАДИ



Дилноза КАТТАХОНОВА,

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ибнос “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилинди. Бу ойлиқнинг 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш куни билан бошланишида рамзий маъно бор. Ёшларга оид давлат сиёсатини болалар таълим-тарбияси, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини химоя қилиш масалаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, таълим-тарбия бешикдан бошланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бола-лар ҳуқуқларини химоя қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оши-рилди. Жумладан, Ўзбекистонда илк бор болаларнинг мажбурий меҳнатига тўлиқ барҳам беришга эришилди. Ушбу



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

натижа халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар томонидан юксак эътироф этилиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдидаги маъвеки юксали-шига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда бо-лаларни сифатли таълим билан таъ-минлаш, мактабгача таълим тизими камворини оширишда ҳам сезилар-ли ўзгаришлар бор. Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган 9 миллиондан ортқи бола истиқомат қилади. Бугунги кун-да умумий ўрта таълим муассасала-рида таҳсил олаётган болалар сони 6 миллион 200 минг нафардан ортқини (99,98%) ташкил этса, мактаб ўқувчи-лари ўртасида гендер тенглик кузати-лишини қайд этиш лозим. ЮНИСЕФ-нинг таҳлилий маълумотларига кўра, дунёда ҳар 5-6 бола таълим олиш ҳу-қуқидан бебаҳра. Таълим олиш имко-нига эга бўлмаган болалар сони бугун жаҳонда 258 миллион нафарни ташкил этади.

Дунё болаларининг аксарияти бугун-ги кунда таълим муассасаларида таъ-қиб (буллинг)га учраётгани, бу муаммо мамлакатимиз эътим даргоҳларида ҳам кузатилаётгани Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларни ҳам безовта қилиб келмоқда.

Болалар ва оналар ўлими кўрсат-кичлари қисқариши ҳам тиббиёт, она-лик ва болалик муҳофазасини таъ-минлаш масалаларига эътиборнинг

амалий натижасидир. Бироқ бола-ларнинг саломатлигини сақлаш, тўғри овқатланишини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бо-расида ҳали кўп муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Минг афсуски, ён-атрофимизда болаларга нисбатан жисмоний зўра-вонлик ҳолатлари ҳам учраб турибди. ЮНИСЕФ маълумотларга кўра, дунёда 25-50 фоиз болалар жисмоний зўра-вонликка учраганини ҳақида хабар бе-ришган, ҳар 5 дақиқада дунёда 1 нафар бола ўлдирилмоқда.

Бугун Ўзбекистон болалари учун хавфсиз яшаш шароити, сифатли таъ-лим ва тиббиёт хизматларини яратиш ишлари тизимли ташкил этиб келин-моқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари-дан бири “Камалак” болалар ташкило-ти негизида болаларнинг истеъдоди ва иқтидорини ривожлантириш, гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш ишларини тизимли ташкил этиш, улар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, таълим олишга қизиқишини орттириш, касбга йўналтириш, лидер-лик қўнмақларини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва “Ка-малак” болалар ташкилотининг ташаб-буси билан 1 июнь — Халқаро болалар-ни химоя қилиш куни ва “Ёшлар ойлиги” доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инсон ҳуқуқлари бўйича ва-кили ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича оғмуздан Алия Юнусованинг республикамизнинг барча ҳудудларида истиқомат қиладиган болалар билан очиқ мулоқоти “Болалар пресс-клуби” форматидида ташкил этилди.

Тадбир давомида болаларга Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафо-латларини янада кўчайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ҳамда 2020 йил 29 майдаги “Бола ҳуқуқларини химоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари бўйича батафсил маълумотлар содда тилда тушунтирилди, ёшлар ва ота-оналарнинг саволларига жавоб қайта-рилди. Ана шу жараёнда болаларимиз-нинг ўз ҳуқуқларини билишига бўлган

иштиёқи ошиб бораётгани, айниқса, замонавий ахборот технологияларига бўлган қизиқишлари доирасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўп экани кўзга ташланди. Фарзандларимиз ўзлари билан катталар ўртасида жуда катта девор борлиги, бу деворни йўқо-тиш учун уларга катталар ўзаро ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиши лозимлигини таъкидлади. Шунинг-дек, бугунги авлоднинг она тилимиз, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ муаммоларга ҳам эътиборсиз эмаслик-ларни бизни кувонтирди.

Учрашув давомида Ўзбекистон ёш-лар иттифоқи ва “Камалак” болалар ташкилоти сардорлари ва ҳудудий кенгаш ходимлари томонидан мактаб-ларда Бола ҳуқуқлари бўйича оғмуздан фаолиятини йўлга қўйиш, бунда сардорлар салоҳиятидан жамоатчилик асосида фаолият юритаётган вакил сифатида фойдаланиш, Болалар оғмузд-маннинг жойларда болалар билан учрашувлари ва тегишли семинар-тре-нингларни ташкил этиш каби тақлиф-лар илгари сурилди.

Оқордаги тақлифларни амалга ошириш, буллинг, маийши, жисмоний, психологик зўравонликдан болаларни химоя қилишда яқиндан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида Бола ҳуқуқлари бўйича оғмуздан ва Ўзбекистон ёш-лар иттифоқи Марказий Кенгаши ўрта-сида ўзаро англашув меморандуми имзоланадиган бўлди.



“УЛУҒ ОТДОШЛАРИМ МАҚОМИ ЮКСАК...”

АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

(Адиблар хиёбонидаги ўйлар)



Шухрат РИЗАЕВ

Муборак Рамазон ойининг охирида мамлакатимиз маданий ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди — шаҳри азим Тошкентимизнинг қоқ марказида, Алишер Навоий номидаги Миллий боққа тутаг Адиблар хиёбонида жами 24 ҳайкал — монумент жойлашган сўлим бир сайилгоҳнинг очилиш тадбири бўлди. Авжи баҳорнинг хушхаво насими эсиб, дов-дарахт узра қушлар чаҳ-чаҳи билан шаббода кўнгилларга хузур бағишлаб турган паллада Президентимиз ташриф буюриб, бир гуруҳ ижод аҳли ва олий ўқув даргоҳлари раҳбарлари билан дилкаш суҳбат курди.

Суҳбатнинг бош мавзуси адабиёт, соҳир сўз усталари ҳаёти ва ижоди, маънавият, маърифат масалалари хусусида бўлди. “Қандай қилсакки, бадий адабиёт, китоб, китобхонлик мамлакатнинг, айниқса, ёш авлоднинг ҳаёт мазмуни, зийлилик манбаи ва омилига айланса, ўзбек йигит-қизининг юраги адабиёт билан телса, қони бадий мутолаадан жўш урса, Ватан туйғуси, миллат дарду ташвиши умру жонининг бир узвиға, таркибига айланса, ўзининг Ўзбекистонга дахлдор эканидан қувонса, ифтихор туйса, “Улсам айрилмасман қучоқларингдан” дея мудом кўшиқ куйласа...”, Давлатимиз раҳбари назаран шу ўйларда “Адабиёт — халқнинг юраги” деган ёмби иборани бот-бот таъкидлаб айтади.

Ха, ижод аҳли учун, айниқса, умрини қўлида қалам тутиб, қоғозга мук тушганча ўтказадиган заҳматкашлар учун бу иборани “бахт” ҳам, “ёмби” ҳамдир. “Бахт” экани шуки, ниҳоят, бутун бир давлатнинг раҳбари нафақат маший ҳаётда, балки ижтимоий, сиёсий, иқтисодий турмушнинг мужассамлиги негизда бадий адабиёт туришини, инсоннинг руҳий қудрати ва қуввати адабиёт-санъат деган мўъжиза, китоб деган мисли йўқ кашфиёт борлигини баралла айтиб, жумлаи жаҳонни шунга чорлаётгани, ўсиб келаётган насларни шу ҳазинадан баҳраманд айлаб, маънан, фақатгина фикран эмас, айнан руҳан бойитишга интилаётганидир.

Энг муҳими, уч ярим йил ростмана тўлапткини, адабиётга эътибор бирикки марталини иноят ёки недандир мутаассирлик натижасидаги олий ҳиммат эмас, узлуксиз ҳалқасимон ҳаракат сифатида муттасил давом этгувчи давлат ижтимоий-маънавий сиёсати сифатида бардавом бўлапти. Буни энди жамиятшунос олимларимиз илмий-амалий негиздаги доимий ўсиб бораётган жараён улароқ баҳолаб, босқич ва даврларга таснифлаб ўрганмоқлари таъжуб этилмоқда. Дарҳақиқат, адабий сиёсат борасида ҳеч бир мафқуравий мажбуриятлар юкмай, қалам аҳлига пойтахт марказида махсус бино қуриб берилиши, аввалроқ ижодкорларнинг меҳнатини, уй-жой шартини, ижтимоий ҳимоясини, яқинлаштириш, дам олиш ва махсус ижод билан шуғулланиш имкониятларини яратиб бериш, китобларини

чоқ этиш, ёш истеъдодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби қатор ишлар агар таснифланса, яхлит бир босқични ташкил этади. Эндиликда эса мамлакатимизнинг адабиёт сиёсатида кейинги босқич ривожланиш жараёни таъмин этилмоқда, бу бевосита Адиблар хиёбонининг барпо этилиши ва унда тикланган 24 ижодкор бадий ёдгорликларининг пойтахт олий ўқув юртиларига бириктирилиб, ижтимоий эгаллик муносабатлари асосида муайян адиб ҳаёти ва ижодини замонавий ёндашувлар бўйича ўрганиш, тарғиб этиш, оммалаштиришни назарда тутади.

Асли шу ёндашувнинг ўзи бадий адабиёт тарғиботида муқобили кузатилмаган ўзига хос оригинал инновациялар янгилик. Бу янгиликнинг жорий этилиши, умуман, адабиётнинг ҳар қандай таълим-тарбиянинг асоси сифатида мавқеини кучайтиради, турли соҳалар бўйича профессионал тайёрларнинг адабиёт негиздаги маънавий тарбия, ватанпарварлик ва миллатсеварлик тушунчалари билан уйғунлаштириб, ҳиссий-ахлоқий кўникмаларни мустаҳкамлайди. Бу янгиликнинг муваффақиятли қўллашни мамлакатнинг ҳар томонлама баркамол кадрлар потенциални шакллантиришга хизмат қилади. Пировардида биз ватанпарвар шифокор, миллатсевар ҳуқуқшунос, маънавий баркамол муҳандис, химматли тadbirkор, иқтисодчи, ўқитувчи ва ҳоказо натижага эришамиз.

Нафақат муайян адиб бириктирилган олий ўқув юрти, балки мамлакатдаги барча олий таълим муассасаларига дастлабки курсларда “Ўзбек адабиёти” фанининг жорий этилиши ва бунда педагогларнинг маҳоратига кўра, ўша олийгоҳ мутахассислигига мувофиқ ёки яқин адабий-бадий мазмундаги асарларнинг тизимли равишда синдирилиши том маънодаги муваффақият гарови бўлади. Физика соҳасида Россия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик Игорь Моисеев таъкидлаганидек, “ҳар қандай фундаментал илмининг негизда бадий адабиёт пойдевори бўлмоғи керак”. Зеро, бадий асар илк бор қўлига китоб ушлаган боланинг тасаввурини шакллантиради, унда хаёлот ва орзун уйғотади, ўзи белгиланган соҳада ижодкорлик қайфиятига туртки беради. Шу тариқа буюк кашфиётлар, ижодий парвозлар содир бўлади. Бу эса тараққиётнинг, инсон камолотининг омили, табиат ва жамиятларни ҳаракатга келтирадиган қудрат касб этишининг йўли. Шахслар, даҳолар шу тахлит тўғилди ва биз ўшалар яшаган замонда ашаганимиз ёки ўшалар мансуб миллатта мансублигимиз, ўша замонда, ўлмада таваллуд топганимиз билан қалбда ёрур ҳис этишимиз, ифтихор қиламиз.

Шу билан бирга, яна бир нарс

муҳимки, адабиёт бизда нафақат бадий, балки, умуман, дидни тарбиялайди, ҳиссиёт оламини бойитади, муносабатлар маданиятини пайдо қилади. Гап-сўз, муомала, юриш-туруш, кийиниш, қўйинги, жамият ва табиатга қарашларни тиниқлаштирилади, аниқлаштирилади. Шунинг учун адабиёт фани дастлаб ўқитила бошлаганидан инсонда ҳиссиёт, туйғулар тарбиясига асосий эътиборни қаратмоқ шарт. Ўзгаллик туйғуси, ўзга бировни ҳис қилиш, тушуниш, дилдошлик, самимиятни уйғотиши лозим.

Туйғулар тарбияси кейинги босқичда фикр ва ахлоқ тарбиясига омили бўлади ва жараён табиий йўсинда юксалиб боради. Мана, халқимиз Адиблар хиёбонини барпо этиш орқали қай мақсадларга йўлланяпти. Фикри ожизимизча, бундан кўра мақбул ва манзур йўл бўлмаса керак. Шу йўл мустаҳкам эътиқодга ва эзгуликка, Ватан ва оилага бошлайдиган йўл ҳамдир.

Мамлакатимиз раҳбари билан бўлган суҳбат асносида камини яна кўп ўйларга бордим...

Қизиқ, Чўлпон “Адабиёт яшаса — миллат яшайди”, деган эди. Агар шу ҳикмат “чунки” боғловчиси қўшиб Президентимиз фикри билан боғланса, яхлит мантиқий хулоса — чўнг бир тушунча пайдо бўлади, яъни “Адабиёт яшаса, миллат яшайди, чунки адабиёт халқнинг, миллатнинг юрагидир!” Мана қарашлар вобасталигида муштараклик кашф этган тушунча, қайд этганимиздек, “ёмби” тушунча.

Шу тушунчага улгу берган эди, ҳеч қутилмаганда, уйчан бир “шаҳри ҳол” айтиди ва кўпчиликни, шахсан каминани ҳам галат бир кайфиятга чорлади: “Менинг армонларим бор...”

Одатда илоҳий шойрона сомеъ ҳолатлар кишининг ўз ички оламини, хотира бисотини муттасил тафтиш этмоққа чорлайверади. Узидан қониқмаслик, не бир бўлиб ўтган воқеалардан таассуф, норозилик, ушалмаган ниятлар, режалар инсонда армон хиссини уйғотади. Шу маънода армон билан яшаётган одам, муттасил фикрлаётган, не бир чорасизликка чора истаётган, қўлида чироқ тутиб, борча қоронғу пучмоқларни ёритмоққа чоғланган инсон — йўлбошич, дарга таассуротини беради. Юрт раҳмани, жомлик, таррадуд солиб, беихтиёр: “Ия, суҳбатдошимиз ҳар қанча олий зот, юксак рутба эгаси бўлмасин, инжа — нозик қалб, шойрона кайфият соҳибий ҳам экан-ку, асли мана бу издиҳом, ўзбеки бадийи, шеърини лафз султону пешволарига эҳтиром илдиэлари шундан экан-ку?!” деган фикр чанқайди хаёлда. Суҳбатдошимизни теранроқ тушунишга, қалбига қулоқ туттишга, юракдаги армонлар-

Туйғулар тарбияси кейинги босқичда фикр ва ахлоқ тарбиясига омили бўлади ва жараён табиий йўсинда юксалиб боради. Мана, халқимиз Адиблар хиёбонини барпо этиш орқали қай мақсадларга йўлланяпти. Фикри ожизимизча, бундан кўра мақбул ва манзур йўл бўлмаса керак. Шу йўл мустаҳкам эътиқодга ва эзгуликка, Ватан ва оилага бошлайдиган йўл ҳамдир.

ни англашга иштиёқ уйғотди. Бадий адабиётга, нафис санъатга дилдан, самимий ошўфталик, армон ҳисси, не бир маънавий қарздорлик туйғуси пировардида бутун бир миллат адабиёти раванқи учун хизмат қилишга, адабиётни, инжа туйғуларни ҳар қандай касбу кор эгасининг маънавияти асосига айлантиришга даъват этмоқда. Ва бу, ўз навбатида, шу юртнинг жами фўқароси уйғоқ қалб билан, иймон, эътиқод билан яшасин, шунда у бир-бирини тушунади, биродарлигини ҳис қилади, қўли-қўлга беради, бир қавм-бир юрт одами улароқ, Ватан раванқиға хизмат қилади, деган буюк орзуну рўёбга чиқаради. Назаран, давлат раҳбарининг самимий дил изиори-армонлари моҳиятида айнан шу неқибн тиллақ ётганини ҳис этдик. Биз ва бу ҳиссиёт Адиблар хиёбонидан сўнг Республика болалар миллий тиббиёт марказига борганимизда ўзининг тўла тасдиғини топди.

Болалар миллий тиббиёт марказида кўрган, кузатган, гувоҳи бўлганимиз воқеали, шифокор ҳамширалар билан мамлакатимиз Президентининг ниҳоятда самимий суҳбатлари, савол-жавобларидан бир ҳақиқат яқоқл англашилди: “Ўзбекистон замининда туғилган бирорта бола нобуд бўлмаслиги, майиб-мажруҳ, ногирон бўлмаслиги керак”.

Яқин ўтмишда болалар ўлими бўйича энг ёмон аҳволда бўлган Ўзбекистон ўзининг тўғилмоқ, бўғилган полапонларни-гуаглири билан қанча орзу-тилақларини кўмди, умидлари сўнди, мусибат, аламу армонлар исқанжасида қолди. Энди, юрт истиқлолга эришиб, халқ мустақил бўлгандан кейин ҳам ўша аҳвол давом этса, биз шу замин фарзандлари бўла туриб, ўз элмининг қушандаси, ноқобил, худбин кимсаларига айланамиз. Буни на Яратган ва на насллар асло кечирмайди. Аламу армон ҳаётимизнинг бешафат эгоғиға айланади.

Уша қуни замонавий дунё илм-фаннинг энг юксак талабалари асосида қуриб жиҳозланган болалар миллий тиббиёт маркази давлатимиз раҳбари қалбидиға яна бир аламли армоннинг ушалиши бўлди. Демакки, миллат, халқнинг армонлари ушалмоқда. Беихтиёр буюк Сохиқборн бобоим Амир Темурнинг машҳур даъвати хаёлимга келди: “Авлодларим, миллат дардларига дармон истангиз!”

Нишонбой ҲУСАНОВ,
Тошкент молия институти ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

Адиблар хиёбонида 24 нафар ижодкорга ҳайкал ўрнатилгандан сўнг Миллий боғда бўлганимда вужудимни ажиб бир ҳайрат ва гурур қамраб олди. Энг аввало, хиёбоннинг тўрида, баландликда бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкалига кўзим тушаркан, улғу алломанинг қуйидаги шох байтлари ёдимга келди:

*Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Дунёда жуда кўплаб исмлар, отлар, номлар бор. Аммо уларнинг кўпчилиги унутилади, хотиранда қолмайди. Адиблар хиёбонида ҳайкали қўйилган ижодкорлар номи халқимизнинг қалбига, ону шуорига мангу муҳрланган. Бу адиблар ўзларидан улғу ижодкор деб яхши ном қолдирган бахтли инсонлардир.

Адиблар хиёбонини кезар эканман, Абдулла исми ижодкорлар ҳайкали кўпчилиға эътибор қаратдим. Абдулла Аллоҳнинг севибли бандаси деган маънони англатади. Тўрт ижодкоримиз — Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов, асосан, XX асрда — шўролар салтанати ҳукм сурган энг мураккаб даврда яшаб ижод этган бўлса-да, номларини мангуликка муҳрлаган. Бу ижодкорларнинг асарлари мазмунан бир-биридан тўбдан фарқ қилса-да, тўртта умумий хусусият уларнинг барчаларига хос.

Биринчиси, ўзлики, ўзбекиликни англаб ва қадрлаб, тарбияга алоҳида эътибор қаратиш. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия — биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат”, деган гаплари қолганлар учун дастурулама ҳисобланган.

Иккинчидан, тўртта ижодкорнинг асарлари хоҳ назмда, хоҳ насрда, хоҳ драматургияда бўлсин, юксак бадий савияда, мазмунан бой ва таъсирли, муҳим ижтимоий масалаларга қаратилган. Абдулла Қаҳҳорнинг “сўз санъатининг сирини билиш, бадий маҳоратни ошириш” гоисини бошқа Абдуллар ижодига ҳам хосдир.

Учинчидан, адиблар нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам ном қозонган, таниқлидир: улар Толстой, Пушкин, Гоголь, Чехов, Ушинский, Некрасов, Шевченко, Р.Ҳамзатов, Қ.Қулиев ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилиға маҳорат билан таржима қилган, ўзларининг асарлари ҳам жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Тўртинчидан, ижодкорлар ҳаётни реал, ҳаққоний тасвирлагани, замонасозлик қилгани учун турли даврларда таъйиғ ва таъйибларга учраган. Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеъри бунинг исботидир:

*Хаёлимга келур доҳ галат бир гап,
Гар уни эл аро сўйлаб юрмасан.
Билмадим не босиб, билмам не сабаб,
Исмининг бироваға раво кўрмасмен.
Улғу отдошларим мақоми юксак,
Мен шибир эрурман гарчи аларға,
Ҳар нечук, бир гапни айтмоғим керак,
Осон бўлмаган ҳеч Абдулларға.*

Халқимизнинг улғу адиби Абдулла Қаҳҳор ҳайкали бизнинг Тошкент молия институтиға бириктирилгани, унинг ҳаёти ва ижоди бўйича бир қатор тadbirkорлар, ишларни амалға ошираётганимиз учун бу ижодкор ҳақида қисқароқ тўхталмоқчиман.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ва ижодда бошқа адиблардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, аниқроғи, ёзувчининг сурати ва сийрати ўта мутаносибдир. Улғу адибнинг шахсий фазилятлари у яратган роман ва қиссалар, ҳикоялар ва комедияларда қаҳрамонларда яқоқ ва аниқ акс этган.

Хўш, Абдулла Қаҳҳорни хос шахсий фазилятлар нималардан иборат?

Халқпарварлик, ватанпарварлик. Адиб ўзининг “Кўшчиноч чироқлари”, “Сароб” романида, “Утмишдан эрталаклар”, “Синчалак” қиссаларида, “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”) пьесасида халқимизга хос бу оҳижаноҳ фазилятларни реалистик руҳда акс эттирди ва дунёға ёйди.

Маънавияти юксак, ҳалол, ўз эътиқодидан қайтмайдиған адолатли адиб. Бу ижодкорнинг муҳим ижтимоий масалаларни кўрмасдан кўтариб чиқишида, ёритишида намён бўлади. Унинг ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ яратилган “Тобутдан товуш”, “Орғиқ тишлар”, “Аяжонларим” комедияларида кўпгина иллатлар — ёлғончилик, лаганбардорлик, порахўрлик ҳажвий бўёқларда маҳорат билан очиб берилган ва танқид қилинган.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилининг фидойиси ва жонқуяри сифатида сўзларини чертиб-чертиб мантиқли гапирган, ўзига хос услублардан, қочирим ва сўз уйинларидан унумли фойдаланган. Унинг асарларида сўз ва гаплар аниқ, лўнда, мўлжалға теғади, бирорта ортиқча сўз йўқ: “Сотиб олдинше хотини орғиб қолди; Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша гингиллайди, бемор инкиллайди” (“Бемор”); “Ҳўқизине йўқолмасдан илғаери бормиди ўзи” (“Уғри”). Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек тилининг товшуларига оид синчков кузатишлари тилшуносларни ҳам лол қолдиради: “Мана энди қарибман: товуқни ҳайдасан — мушук югуриб келади, сабаби “кишт-кишт” демоқчи бўлсам, “пис-пис” бўлиб чиқади”.

Абдулла Қаҳҳор — талабчан адиб, синчков адабиётшунос ва танқидчи. Унинг 1958 йилда ёзилган “Ёшлар билан суҳбат” асарида, қатор мақолаларида ва учрашувлардаги нутқларида бадий адабиётға юксак талаб ва баҳо берган: “Адабиёт атомдан қучли, лектин унинг қучини ўтин ёришеға сарф қилиш керак эмас”. “Адабиётға ўрри мушукка ўшшаб тўй-нукдан ошиб тушадиғанлар ҳам бўлади”.

Абдулла Қаҳҳор фидойи ва талабчан мураббий, устоздир. У Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Уткир Ҳошимов, Шўкур Холмирзаев ва бошқа бир қатор иқтидорли ёшларни адабиёт боғиға олиб кирган, уларни ҳимоя қилган ва ардоқлаган. Адибнинг камтарлиғи шундаки, “Утмишдан эрталаклар” қиссасиға Абдулла Ориповнинг “Муноқоти тинглаб”, “Маҳалла” ҳикоясиға эса Эркин Воҳидовнинг шеърларидан эпиграф олган.

Абдулла Қаҳҳор — моҳир таржимон. У Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романи, Горькийнинг “Менинг дорилфунунларим” қиссасини, Чехов ва Гоголнинг кўплаб ҳикояларини маҳорат билан ўзбек тилиға ўйрган. Адиб нафақат ўзбек тилининг, балки рус тилининг нозик жиҳатларини, маъно нозикликларини чуқур билгани учун ҳам асарларни ўқитганимизда таржималарни эмас, аслиятни ўқитгандай бўласиз.

Умуман, Абдулла Қаҳҳор асарларида ўз халқини ардоқлаш, ватанни севиш, маънавий ва ахлоқий поклик, таълим ва тарбия масалалари бош мезон бўлиб юксак бадий савияда акс этган. Шу сабабли ақоиб сўз устаси Абдулла Қаҳҳорни халқ дилининг кўзгуси, деб аташди.